



То мухаббат дашти бепоенида оворамен,  
Хар балият келса ишк ошубидин бечорамен.

Эл нетиб топкай мениким мен ўзимни топманом,  
Буйлаким ишку жунун сахросида оворамен.

Кайси захмимга килурсен чора чун мен эй рафик,  
Тийр борони балиятдин саросар ёрамен.

Ох дуди ичра бир учкун киби кўрган мени  
Билдиким, хижрон тунига кавкаби сайёрамен.

Кеча ўртансам, сахар фарёд килсам, не ажаб,  
Ишк аро парвонаву булбулга чун хамкорамен.

Эй харобот ахли, гар сиз маст ўлуб, мен бўлмасам,  
Айб эмас, невчунки сиз – майхора, мен хунхорамен.

Эй Навоий, борди деб ахбоб, таъжил этма кўп,  
Ит киби мен эришиб ул корвонни борамен.

Бу газал бир махаллар Ўзбекистон халк артисти унвони билан сийланган, кейинчалик эса намозхонликда айбланиб, кўшиқларини радио ва телевидениеда бериш тақикланган машхур санъаткор Мавлуда Аъзамова томонидан зўр махорат билан куйланган эди. Дин-диёнатга йўл очилган мустақиллик давридагина бу кўшиқ яна эфирга чиқа бошлади. Шу орқали ҳам биз миллат куёши Алишер Навоийнинг дахосидан яна бир катла бахраманд бўлдик.

Бу асар “Чор девон”нинг иккинчи жилдидаги 496-газалдир. Навоий “Наводируш шабоб”даги асарларни йигитлик айёмидаги нодирликлар билан қиёслади. Бу маънони

таъкидлаётганимизнинг боиси шундаки, баъзилар айтганидек, “Чор девон”га киритилган асарлар шоир умрининг шунга мувофик даврида ёзилган эмас, яъни “Гаройибус сигар” девони факат болалик – сагир ёшида битилмаган, ёки “Фавойидул кибар” – кари чогида ёзган газалларидан иборат эмас. Девонларнинг номлари шартли бўлиб, девон тартиб бериш чогида хар бир девонга бир хил – 650 тадан газал киритилгани хам шуни кўрсатади.

Мазкур газал рухига диккат килсак, у Навоийнинг хийла кексарган, хаёт ва ўлим хакида ўйлай бошлаган, устозлари ва бир канча якин дўстлари хаётдан кўз юмган чогида битилган кўринади. Чунончи, сўнгги байт шуни кўрсатади:

Эй Навоий, борди деб ахбоб, таъжил этма кўп,  
Ит киби мен эришиб ул корвонни борамен.

Яъни, Эй Навоий, дўст-ёрларим кетди, деб шошилма, бу карвонга ит каби эргашиб борамен (колиб кетмайман).

Энди газалнинг матлаъ – илк байти маъноси билан танишайлик.

То мухаббат дашти бепоенида оворамен,  
Хар балият келса ишк ошубидин бечорамен.

Мухаббатнинг чек-чегарасиз даштида сарсон холда юрар эканман,  
Ишк саросимасидан, нимаики балолар бошимга тушса, чорасизман.

Ошик мухаббатнинг поёнсиз даштида овора бўлиб юрар экан, бундан англашиладики, ишкнинг ўзи беҳудуддир. Бу ишк – илохий ишк, чунки инсоний ишкнинг боши ва охири, авжи ва сусти, чек-чегараси бўлади, факат Оллох ишкнинг поёни йўк. Бу ишк туфайли бошга тушадиган балолар каршисида ошик чорасиз, зеро казога рози ва балога собир бўлиш – мўминнинг шиоридир.

Эл нетиб топкай мениким мен ўзимни топманом,  
Буйлаким ишкун жунун сахросида оворамен.

Мен ўзимни топа олмайману, одамлар мени кандай килиб топсин?

Мен шу тарика ишк ва жунун сахросида оворамен.

Бу байт бугун айрим адабиётшунос ва ихлосмандлар томонидан бузиб ўкилади ва шунга мувофик талкин килинади. Уларнинг фикрига кўра, шоир “Эл нетиб топкай мениким, мен ўзимни топмасам” деган, ёки тўғрироғи, шунака деб ёзганида зўр бўлар эди. Ана ўшанда “ўзликни топиш, ўзликни англаш” каби хозир урф бўлган ижтимоий дунёкараш Навоий оркали хам тасдик этиларди... Унинг зимнида “мен ўзимини англасам (ботинга назар), бошқалар хам мени эътироф этади, биз ўзимизни топсак, англасак, ўз кадримизга ўзимиз етгандагина ўзгалар (яъни бошка миллатлар, дунё...) хам бизни тан олади”, деган шиор сингари бир даъво ётади.

Холбуки, шоир ўзликни топиш (англаш) эмас, аксинча, ўзликни йўқотиш, ўзини топа олмай колиш маъносини битади. Тасаввузда – хакикий солик, адабиётда – чин ошик севги

шиддатидан ўзини унутиши, хаёлан маъшука билан бирлашиб кетиши лозим. Эътибор берсангиз, ишк шиддатидан жунун холи хам пайдо бўлди. Бу холда киши ўзини билмай колиши – мантикий. Давом этамиз:

Кайси захмимга килурсен чора чун мен эй рафик,  
Тийр борони балиятдин саросар ёрамен?

Эй дўст, сен яра-чакаларимнинг кайси бирини даволамокчисан?  
Тийрборон балосидан менинг бутун аъзои баданим яра-чака-ку?  
Бу тийр борони аввало маъшука отган истигно ўқлари. Аммо бу – ботиний (ички) жарохат, зохирий томондан эса, ишк жунунидан телба бўлган одамга болалар тош отиб хаммёгини ярадор киладилар. Яна:

Ох дуди ичра бир учкун киби кўрган мени  
Билдиким, хижрон тунига кавкаби сайёрамен.

Ох тутуни ичида мен бир учкундай бўлиб ётганимни кўрган одам  
Бу – хижрон кечасидаги юлдуз-сайёра экан, деб гумон килди.  
Бу – жуда махобатли манзара. Тутун хамма ёкни коплаб, унинг коронгисида ўртанаётган ошик бир учкундай бўлиб аранг кўзга ташланади, уни кўрган одам хижрон тунидаги юлдуз ва сайёрларга ўхшатади.  
Тўгри, сиртдан караган кишига бу жуда муболага, лоф тасвир бўлиб туйилиши мумкин. Аммо ёр – Оллох ишкида тунлари ухламай, ох тортиб чикилган замонларни кўз ўнгимизга келтирсак, манзара анча реаллашади.

Кеча ўртансам, сахар фарёд килсам, не ажаб,  
Ишк аро парвонаву булбулга чун хамкорамен.

Тунлари куйиб-ёнсам, тонг сахарларда йигласам, ажабланманг.  
Чунки ишқда парвона ва булбул билан ишим бир хил.  
Бунда мумтоз адабиётимизга хос таносуб санъати кўллангани диккатга сазовор, яъни ўртанмок деганда алангага ўзини уриб куядиган парвона, сахарда нола килиш эса тонгда сайраган булбулга киёс килинади. Сўнгра:

Эй харобот ахли, гар сиз маст ўлуб, мен бўлмасам,  
Айб эмас, невчунки сиз – майхора, мен хунхорамен.

Эй харобот (майхона) ахли, сиз маст бўлиб, мен маст бўлмасам,  
Бу айб эмас, негаки сизлар май ичасиз, мен эса кон ютаман.  
Назаримизда, бу газалнинг маъно ва ишоратга энг тўлик байти – шу. Бунда шоир сиртдан майхона ахлига мурожаат килгани билан, аслида мустасифларга – сохта ошик-сохта соликларга хитоб килади, уларнинг ишк йўлида ўзини маст-аласт килиб кўрсатишларини маъқулламайди. Навоийнинг эътимодича, ошикликнинг янада юкорирок бир боскичи бор, бу хушёрлик ила ёрга етишишдир.  
Нихоят, сўнгги байт:

Эй Навоий, борди деб ахбоб, таъжил этма кўп,  
Ит киби мен эришиб ул корвонни бораман.

Эй Навоий, дўст-ёрларим кетди, деб шошилма,  
Бу карвон ортидан ит каби эргашиб бораман.

Биз юкорида бу байтнинг хаётий маъносига ургу берган эдик. Энди икки огиз унинг сўфиёна мазмуни хакида тўхталсак. Манбаларнинг шохидлик беришича, Навоий умри давлат ва жамоат иши, ижод билан ўтиб, сўфийликда ўзи хохлаган даражага ета олмаганидан ўкинган. Бу борада илгарилаб кетган ахли холлар – улкан сўфийларга хавас билан караган, бир томондан, тасалли учун, колаверса, шу армон йўлида “Насойимул мухаббат” асарини битган. Газал нихоясида Навоий умидланади – дўст-ёрлар (ахли холлар) кетиб колди, уларга етиб бўлармикин, деб кўп ошикиб ўзингни азоблама, ит карвонга эргашиб боравергани каби, зора мен хам уларга етолсам...

Бу газал – агар бошдан охир маъносига диққат килсак – кишининг ошик бўлиши, бу йўлда унинг бошига турли гавго-шўришлар ёгилиши, аммо у ишк йўлидан тийилмай, аксинча, ўзини унутиш даражасида берилиши, окибат – бошдан-оёк бало ўқларига нишон бўлиши, кейинчалик эса ўзи торган охлар дуди ичда гўё бир мажнун тунда олов ёкиб, аланга тутуни ичра гулханни кўрган одамлар уни тун осмонида юлдуз ва сайёраларга ўхшатиши, шу тарика ишк шиддатининг зўрлигидан кечалари куйиб-ёниб, тонг сахарларда фарёд килиши, чора излаб харобот (майхона) сари йўл солиб, аммо бунда хам дардига даво топа олмай, кон ютиши ва нихоят, кетган карвон ортидан эргашиши – фанони тарк этишидай изчилликка эга эканини кўрамыз. Ишкнинг шахи холи Навоийнинг ушбу етти байтли газалида шундай тажассум топган.

Алишер Навоий асарларида кўлланган сўз ва ибораларни тушуниш, талкин этиш учун у яшаган даврдаги ижтимоий-маданий хаёт, адабий мухитни, бадиий мезонларни, диний, сўфиёна ва адабий истилохларнинг келиб чикиши хамда улардан хар бири ифодалаган зохирий ва ботиний маънолар магзини чакиш лозим. Чунончи, ана шу сўнгги байтда Навоий ўзи хакида “ит каби эргашиб” деган ифодани битар экан, у бир кўпол тасвир, ёинки маломатпеша одамнинг ўзига килган лутфи эмас, балки машхур бир афсонага ишорадир. Маълумки, уч солих йигит золим хукмдор Даккиёнус (Даклёниус) замонида тог сари бош олиб кетадилар, уларга Китмир деган бир ит хам эргашади ва хаммаси бир горга яширинишади. Оллох уларни зулм тааддисидан асраб, уйкуга чўмдиради ва Даккиёнус вафоти (айтишларича, уч юз йил)дан кейин уйготади.

Бояги ит эса, солихларга эргашгани учун, солихлик рутбасига эга бўлган эмиш...

Зухриддин Исомиддинов